

Тошкентда МДХ Халқаро экспертлари форуми ўтказилди



Бугун, 29 июн куни Тошкент шаҳрида Ахборот хавфсизлиги бўйича МДХ Халқаро экспертлар форуми ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва МДХ Ижроия қўмитаси кўмагида ташкил этилмоқда.

Чет эллик иштирокчиларнинг онлайн алоқаси билан гибрид форматда ташкил этилган ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича мулоқотда Ҳамдўстлик мамлакатларидан 60 дан ортиқ мутахассислар тўпланди. Унда МДХ давлатларининг халқаро ташкилотлари, дипломатик ваколатхоналари ва етакчи таҳлил марказлари вакиллари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этишди.

Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти мутахассисларидан ташқари, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Марказий Осиё халқаро институти, Халқаро алоқалар ахборот-таҳлил маркази ва Ривожланиш стратегияси марказининг мутахассислари жалб қилинган.



Кун тартибидаги барча масалаларни кўриб чиқиш учун форум иши қуйидаги масалалар бўйича 4 сессияга бўлинган:

- рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- АКТдан фойдаланган ҳолда жиноятчиликка қарши курашиш;
- ахборот инфратузилмаси объектларини техник ҳимоя қилиш ва кибержиноятларни тергов қилиш;
- ахборот муҳитида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш.

Кейинги ўн йилликдаги ҳамкорлик учун асос бўлган ушбу ҳужжатларда ахборот хавфсизлиги ва АКТ соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш, рақамли иқтисодиёт ва рақамли кўникмаларни ривожлантириш бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш ўзаро ҳамкорликнинг энг талаб қилинадиган йўналишлари бўлиб қолиши қайд этилган.

Шу муносабат билан, иштирокчиларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон Президентининг форумни ўтказиш тўғрисидаги муҳим ва ўз вақтида ташаббуси рақамлаштириш соҳасидаги сўнгги тенденциялар ва ютуқлар, илғор миллий тажрибалар тўғрисида фикр алмашиш учун кибер таҳдидларга қарши курашиш эксперт майдонини яратиш имкониятини беради..

Таъкидландики, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегияси тасдиқланди ва изчил амалга оширилмоқда, бу мамлакат учун бир қатор ютуқларни ўз ичига олади. Ҳужжатга мувофиқ телекоммуникация, коммунал хизматлар, иқтисодиётнинг реал сектори, соғлиқни сақлаш, давлат кадастри ва бошқаларга рақамли технологияларни жорий қилиш билан боғлиқ узоқ муддатли масалаларнинг кенг доираси ҳал қилинмоқда.

Тадбир иштирокчилари таъкидлаганидек, келгуси уч йил давомида ҳудудлар ва тармоқларни рақамли ўзгартириш бўйича 1627 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Шу билан бирга,

бугунги кунга қадар мактабгача таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг юқори тезликдаги интернет алоқасини қамраб олиш даражаси 100 фоиз га етказилди.

2021 йилда барча мактаблар тармоғига, шунингдек фуқароларнинг маҳалла йиғилишларига (10 мингга яқин йиғилишлар) киришни таъминлаш режалаштирилган.



Уяли алоқа учун таянч станциялар тармоғининг ривожланиши мамлакат аҳолисининг 98 фоизига, шу жумладан тезкор алоқанинг 90 фоизигача уяли алоқа хизматларини кўрсатиш (қамров доирасини кўпайтириш) учун шароит яратишга имкон берди. 2017 йилдан 2020 йилгача Интернет тезлиги 3,5 баравар ошди. 2020 йилда «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида 120 мингдан ортиқ талабалар ўқитилди. 2020-2022 йилларда ахборот технологиялари ва коммуникация соҳасига 498,1 миллион доллар миқдорида инвестициялар жалб қилиш режалаштирилган.

2020 йилда Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 22,5 миллион кишига етди, бу 2016 йилга нисбатан деярли 17 фоизга кўпдир (17,9 миллион киши). Шу даврда оптик толали алоқа линияларининг ишлаши 2,5 баравар ошди, уларнинг умумий узунлиги 55,6 минг км га етказилди, 2016 йилда эса бу кўрсаткич 22 минг км ни ташкил этди.

2020-2022 йилларда бутун мамлакат бўйлаб аҳоли пунктларини интернет билан қамраб олиш даражасини ошириш, хусусан, кенг полосали уланиш портларини 2,5 миллион донага етказиш, 20 минг км оптик-толали кабелларни ётқизиш ва уяли алоқа тармоқларини ривожлантириш орқали аҳолининг мобил интернет билан қамровини 95 фоизгача ошириш режалаштирилганлиги таъкидланди.

Иштирокчиларнинг эътиборини бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши 2,2 фоизни ташкил этишига қаратилди. Рақамли иқтисодиётнинг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотигаги улушини 2023 йилга қадар икки баравар, электрон ҳукумат хизматлари улушини эса 2022 йилга келиб 60 фоизгача ошириш режалаштирилган.



Ҳозирги кунда республикада рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат элементларини изчил жорий этишга, шунингдек, банк секторини рақамлаштиришга қаратилган 260 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари ва тадбиркорлар учун бир зумда тўловлар тизими 24/7 ишга туширилди.

Форум натижасида иштирокчилар Ҳамдўстлик давлатлари ҳукуматлари учун инновацион ривожланиш стратегиясини, шу жумладан ахборот ва кибер хавфсизлигини таъминлаш, ривожланишни ҳуқуқий, ташкилий ва техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини самарали амалга ошириш бўйича рақамли иқтисодиёт, шунингдек, ушбу йўналишда ихтисослашган мутахассисларни тайёрлаш борасида амалий таклифларни ўз ичига олган якуний ҳужжатни қабул қилдилар.

Манба